



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

19 август 1970 йил, чоршанба № 193 (14.659) Баҳоси 2 тизм.



* ИЛГОРЛАР
ТАШАББУСИГА
ҚУШИЛИБ
* МЕХНАТ
СОВҒАЛАРИ

* МУДДАТИДАН
ИЛГАРИ
* ТАЖРИБАКОРЛАР
ДАЛАСИДА

* 1971 ЙИЛ
ХИСОБИГА
* ИХТИРОЧИЛАР
ХИССАСИ

КУМУШ КАМАРЛАР

Кейинги йилларда республикада деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини етарли миқдорда минерал ўғит, техника билан таъминлаш, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда юз берган улкан ўзгаришларни областимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йиллар ичида областда пахтачилик янада ривожлантирилди.

Бу аввало, ирригация қурилишлари, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга эътибор қўйиш билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Шундан сўнг 1964 йилда Чимкўрғон, 1969 йилда «Пачкамар» сув омборлари қурилиб ишга туширилди. Шу таъйин 65 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш имконияти яратилди.

Сув исрофгарчилигига барҳам бериш мақсадида қўйлаб янги каналлар қазилди, бетон билан қопланди. Хозир областимиз экинзорларига 580 километр узунликдаги бетон каналлардан об-ҳаёт оқиб турибди. Областида сув таъминоти яхшиланганлиги натижасида пахта майдонлари кенгайиб бораётган.

Областимизда пахтачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Бироқ, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, област территориясида янги сув ҳавзалари бунёд этиш ана шу имкониятлар даражасида эмас.

Янги йиллар ичида белгиланган планга мувофиқ Мақрид чўлини ўзлаштириш ва област бўйича 102,5 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш кўзда тутилди. Бу борада дастлабки ишлар амалга оширилмоқда. Шу қуларда Янғар ва Қорабоғ сув омборлари бунёд этилаётган. Шу ишнотлар қурилгандан сўнг Наманги ва Янқабоб районоларида сув таъминоти яхшиланади, қўшмча равишда яна бир неча минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади.

Эски Анҳор канали орқали Зарафшон дарёсининг бир қисми суви Қашқадарёга қўйилмоқда. Хозир Қосон ва Қарши районларининг хўжаликлари Эски Анҳор канали сувидан баҳраманд бўлаётган.

Областимиз ирригаторлари Эски Анҳор канали ўзининг янги изга буюриб юбориш учун ҳаракат қилаётганлар. Юқори Эски Анҳор канали деб аталадиган бу канал Чирокчи районининг «Қўдала» массиви орқали Чимкўрғон сув ҳавзасига келиб қўйилади. Чирокчи ва Қашқабоб районларида бир неча йил минг гектар ери ўзлаштириш ва сугориш имкониятини беради. Бундан ташқари Мақрид чўлини сув билан таъминлаш яхшиланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожланти-

риш учун кенг истифодалар очилмоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мақрид чўлини ўзлаштириш бошлаб юборилди. Бу йил Мақрид массивидан 2 минг гектар ер ўзлаштирилди, чигит экилди. 1975 йилга бориб Мақрид чўлида 10 минг гектардан зиёд ер ўзлаштирилиб, пахтазорларга, боғ-роғларга айлантирилади. Она-Ватан Мақрид чўлидан қўшмча равишда ҳар йили 25-27 минг тонна пахта ола бошлайди.

1970—1973 йилларда Қарши районида 33 минг гектар, Қосон районида 22 минг гектар, Қўрғон районида 12 минг гектар, Янқабоб районида 10 минг гектар, Шаҳрисабз районида 9 минг гектар, Қишлоқ, Қашқабоб ва Чирокчи районларида 16,5 минг гектар майдоннинг мелiorатив ҳолати яхшиланади. Бунинг учун 1972 километр узунликда коллектор-дренаж тармоқлари қурилади.

Кейинги йилларда Қарши, Қосон, Қўрғон ва Янқабоб районларида ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмон аҳволга тушиб қолди. Республикаи партия ва ҳукумати ана шу районлар ерларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Мақрид районларида коллектор-дренаж тармоқлари жуда кам. Ўтган йили ёғингарчиликнинг низоғида кўп бўлганлиги натижасида ер ости сувлари юқорида кўтарилмоқда, айрим жойлари заҳ босди. Ирригаторларимиз бу ҳолатнинг олдини олиш учун куч ва гайратларини алма-ётирдилар. Нил охиригача барпо этиладиган 116 километр коллекторларнинг 100 километри ана шу районларда қурилади. 1973 йилгача ерларнинг мелiorатив ҳолати ёмонлашган районларда 1746,1 километр коллекторлар қазилди. Ана шу ишларни амалга ошириш учун 44 минг 45 куб метр тупроқ ишлари амалга оширилди. Коллектор қазилгача 30 экизатор, 22 бўлдозер сафарбар этилди.

Коллектор-дренаж тармоқларини барпо этиш сугориш шохобчаларини қуриш ва бетонлаш ишлари билан боғлиқ олиб борилади.

ҚШС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев ҚШС Марказий Комитетининг июль Пленумида Қашқадарё ерларини мелiorациялаш юзасидан бақарилган ишлар ҳақини унча катта бўлмағача, биз мамлакатимиз ўн учун роғдда муҳим ана шу ишнинг самараларини кўриб турибди. Шундай экан, Пленум қўрсатмаларини оғинмай амалга ошириш, ерларни мелiorациялаш ишларини янада авж олдириш, бу билан воямизда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тагин ҳам кўпайтиришга баракали ҳисса қўиши — ирригаторларимизнинг энг муҳим ва фахрли вазифалари бўлиб қолади.

М. РҒЗНОВ,

Қашқадарё область сугориш тармоқлари бошқармасининг бошлғи.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. НУРИДИНОВНИ «ЖАМОАТ
ТАРТИБИНИ САҚАШДАГИ
АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН»
МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ
ТУҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жинсийчилигига қарши курашдаги хизматлари учун миллий старший лейтенанти Иноат Нуритдинов (марҳум) СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раясининг ўринбо. сари
А. АБДУЛЛИНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ

1970 йил 18 август, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. ОРИПОВНИ «УТ
УЧИРИШДАГИ ЖАСОРАТИ
УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Ут ўчириш ва гравданларнинг мол-мулкнинг сақлаб қолиш вақтида қўрсатган доирасининг, жасорати ва мардлиги учун Ўзбекистон ССР Ички ишлар миносирлиги Тошкент шаҳар Октябрь районидаги «Ут ўчириш бошқармасининг» б-дари билан тўғридан тўғридан «Ут ўчириш» қисми ҳодими Толиб Орипов (марҳум) СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ут ўчиришдаги жасорати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раясининг ўринбо. сари
А. АБДУЛЛИНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ

1970 йил 18 август, Тошкент шаҳри.

ҲАММАСИ МАШИНАДА

Карл Маркс номли колхоз Охун. Ғобоев районидан эмас, балки бу тун Фарғона областда ҳам машаал хўжаликлардан ҳисобланади. Колхоз пахтакорлари ҳар йили янги ер очиб пахта майдонини кенгайтиришлпти, янги ҳосилни қўлгайтиришлпти.

«Юбилей йилида етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар ер-даида териб олинди». Хўжалик аъзоларининг ақли ана шундай. Ваъдага вафо этиш марднинг иши, — дейди колхоз раиси Ғобоевнинг хизмат кўрсатган пахтакор Ҳолати. нон Мароқов, — пахтакорларимиз бу йил 975 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 ўринга 30 центнердан ҳосил териб олиб, эл хирмонига 2930 тонна пахта етизиб бериш мақсадида баракали меҳнат қилишлпти.

Абдулла Мирзақаримов, Турсунбой Жалолов, Усмон Йўлдошевлар бош-лиқ бригадаларда ҳосил жуда эрта етилди. Бу йилги терим масъумида 11 далачилик бригадасининг ҳамма-сида барча ҳосил машиналарда тери-лади. 40 та пахта териш агрегати унумли ишлатилди. Колхозда терим машиналарининг ҳаммаси сифатли ремонт қилинди. Х. Хусанов, Р. Ис-моилов, С. Қаримов сингари тақри-бали меҳнат-қандовчилар масъумида 200-250 тоннадан «оқ олтин» териш-га сўз беришди.

Дарҳақиқат бу хўжалик коллек-тивни янгилаштиришда ва пахтакор-ларнинг ташаббусига қўшилиб, юбилей йилида йилги-терим ишларини ҳис-са мууддага туғаллаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда.

Ф. ҲУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистон» мухбирлар
постининг аъзоси.



Суратларда: (юқорида) колхоз пар-тия ташкилотининг секретари И. Абдурахмонов (чапда) ва бригада бошлғи У. Йўлдошев бригада пахта-зориди, Пастада: (чапдан) терим ма-шиналари ремонтда яхши натижа-ларга эришган меҳнаткорлардан У. Йўлдошев ва Р. Ашуров ўртоқ-лар.

Автор фотолари.

РАЦИОНАЛИЗАТОР ҚУРУВЧИЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қу-рилиши миносирлигига қараш-ли қурилиш ташкилотлари ва корхоналари инженирлари, инже-нерлари, техникалари, ходи-млари ўртасида рационализатор-лик тақлифлари конкурсига бў-либ ўтди. Ўтган йрим йил ичи-да қишлоқ бинокорларидан 222 тақлиф тушди. Шундан 150 рационализаторлик тақлифи иш-лаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг шарофати билан 650 минг сўмлик даромад қўрилди.

Л. ТОЛСТОНОГ,
инженер-экономист.

ЙИРИК ЭЛЕВАТОР

Ихтисослашган «Элеватор-мельстрой» трестига қарашли Қўрғондаги 1-қурилиш поезди коллективни Қўрғон ун комбинатида 43 минг 300 килограмм ҳажмдаги йирик элеваторни қуриб фойдаланишга топширди.

Қурилиш поездининг меҳнат-сева бинокорлари КПСС XXIV Ёёзди шарафига йил охиригача шу комбинатда бир неча-қуиудда 500 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган катта тегирувни муудатидан илгари қуриб фойдаланишга топширишга сўз бердилар.

Х. УСМОНОВ,
бинокор-инженер.

ИЖОДКОР ИШЧИЛАР

Жинзаҳ қурилиш материал-лари комбинатининг ижодкор ишчилари корхонада меҳнат унумдорлигини тагин ҳам оши-риш, янги техника ва илгор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида қайрилишларни амалга оширмоқда-лар. Шу йилнинг ўтган об-лари давомида комбинат ишчи-ларидан 19 та рационализатор-лик тақлифи тушиб, уларнинг қўшқилини амалга оширилди. Бундан корхона 5095 сўм даро-мад қўрди.

М. АЛИҚУЛОВ.

ТЕЗ ВА СОЗ

Андижондаги 17-қурилиш трести бунёдкорлари юбилей йилини ишлаб чиқаришда юксак қўрсаткичлар билан янгу-лак иштирокчи бўлиб меҳнат қилишлптилар. Улар ерда-ми қураётган ташкилотлар билан бирга 4,2 миллион сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу кўз-да тутилгандан анча зиёддир. Сергайрат бинокорлар йил бо-ласидан бери 411 ўринли 3 та ётоқхона, 280 ўринли болалар боччаси, 20 дан зиёд ун-жой, 320 ўринли 3 та мактаб ва бошқа маъмурий-маиший бино-ларни қуриб, меҳнаткорлар их-тиёрига беришди. Теъ-ва соз қурилиш йилларининг муудад-бурчи деб билган трест бунёд-корларининг қўшқилини сўзид тақрирлагандан 1971 йил ҳисо-бига ишлагани.

Н. АБДУСАЛОМОВ,
трест инженер.

ИЗДОШЛАР

Янгиарик райони пахтакор-ларининг ватанпарварлик та-шаббусига қўйилган Ромитан районидаги «Мосса» колхоз-ининг аъзолари сўз парварли-нини кўп сафини авж олдириб, ҳосилга-ҳосил қўшмоқдалар. Мутахассисларнинг фикрича хо-зирроқ ҳар тўп гўзада 8-10 та-дан кўсак тушган. 40 цент-нерни Пуллош Эргашев брига-дасига қарашли майдонларда гўзалар айниқса серҳосил бў-либ ўсаяпти.

Ҳошим Жумаев, Қўзйой

Жўраев каби меҳнаткорлар-нинг ишдан ҳамма мамнун.

Н. МАЛЛАЕВ.

КАНОП ЎРИЛЯПТИ

Лингйўй райониди Свєрлов-номили колхоз канопочилири ўри-ми. ингирини бинокорлар катерида бошлаб юборилар. Нурулла Бар-тов зевенсиде 7 ярим гектар ер-даги каноп ўриб олинди. Ҳосил қутилгандан ҳам зиёд бўлди. Бошқа зевенларда ҳам «яшил бойлик» саранжом-саришталаш-га киришлди.

Транкторчи Тўра Юнусалиев кун-лиқ графини анча ошқирб ба-жармоқда. Ўрилган каноп қури-тилиб, пешмалаш пунктга жўна-тилмоқда. Юбилей йилида кент-каноп майдонларининг ҳар гек-таридан 200 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилмоқда.

Х. СУЛТОНОВ.



СВЕРЛОВ райониди Свєрлов номили колхоз пахтакорлари бу йил 1024 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга сўз беришган. Колхоз аъзолари ингиринининг ташаббуси-га қўшилди, барча майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: колхоз-ининг бош агрономи Ш. Давлатов (чапда) ва бригада бошлғи Ш. Ҳали-мовлар гўзаларда ҳосил қилинган нўсакларни санаб қўришлпти.

А. Тўраев фотоси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида картошка, сабзавот, мewa, поляз маҳсулотлари ва узум тайёрлашнинг

бориши тўғрисида 17 августга бўлган
МАЪЛУМОТ

(Йирича стўм — тайёрланган картошка (тонна ҳисобда); инкичи стўм — планинг бақариллиш проценти; учинчи стўм — тайёрланган сабзавот (тонна ҳисобда); тўтинчи стўм — планинг бақариллиш проценти; бешинчи стўм — тайёрланган мewa (тонна ҳисобда); олтинчи стўм — планинг бақариллиш проценти; еттинчи стўм — тайёрланган поляз маҳсулотлари (тонна ҳисобда); саккизинчи стўм — планинг бақариллиш проценти; тўққинчи стўм — тайёрланган узум (тонна ҳисобда); ўнчинчи стўм — планинг бақариллиш проценти).

Тошкент	14,960	45,8	64,279	32,1	18,288	107,5	1,385	11,1	702	2,2
Сирдарё	182	18,2	2,612	14,5	2,596	64,9	4,762	6,4	594	30,5
Фарғона	3,069	35,3	29,445	59,9	5,013	125,3	194	2,1	380	6,3
Наманган	555	30,7	18,383	57,5	3,059	76,4	971	12,4	190	2,4
Андижон	357	11,4	24,145	60,3	4,486	112,1	477	5,9	280	5,6
Самарқанд	3,981	36,2	32,134	35,7	6,234	81,0	424	3,5	383	10,1
Бухоро	8	—	8,506	42,5	1,309	130,0	4,086	34,1	50	0,5
Қашқадарё	463	46,3	7,254	36,2	3,247	81,2	5,115	73,1	263	3,3
Сўхондарё	1,340	89,0	10,398	69,3	1,366	45,5	1,765	25,2	233	3,3
Хоразм	3	—	3,889	35,3	353	117,7	485	3,7	—	—
ҚА АССР	201	13,1	1,527	13,8	525	26,2	25	0,1	1	—
Республика бўйича:	23,319	42,2	202,472	39,8	48,476	91,1	15,091	6,7	3,076	2,4

